

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги: ҳар йили 1 декабрга қадар ўтаётган йилнинг "Йўл харитаси" ба- жарилиши асосида кейинги йил учун "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Рес- публикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

"Йўл хариталари"нинг бажарили- ши устидан доимий мониторинг олиб борсин.

3. Мазкур қарорда назарда ту- тилган тадбирларни молиялаштири- ши маъналарини эътиборга олиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Дав- лат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Мак- табгача таълим вазирлиги ҳузури- даги Мақтабгача таълимни ривож- лантириш жамғармаси маблағлари; жисмоний ва юридик шахслар- нинг хайрия маблағлари;

ҳалқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа до- норлар кредитлари (қарзлар), грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланма- ган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Рес- публикаси Давлат бюджети ҳара- жатларининг ҳар йиллик параметр- ларини шакллантиришда ажрати- ладиган бюджет маблағлари дои- расида давлат мақтабгача таълим муассасаларини молиялаштириш ва уларнинг моддий-техника базаси- ни ривожлантириш учун маблағ- ларни назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 8 май

БИЗ УЧУН ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ ЯРАТГАН ФИДОЙИ БОБОЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ МАНГУДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари ғалабага катта ҳисса қўшган барча ватандошларимизнинг жасорат ва матонатни янада чуқур ўрганиш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар, кинофильмлар ва спектакллар яратиш, ёшларимиз қандай фидойи инсонларнинг жасорати эвазига бугунги тинч ва бахтли замонда яшаётганини билиши ва бунинг қадрига етиши зарурлигини таъкидлади.

Бутун дунёда миллионлаб инсонлар умрига зомин бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар келтирган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қиргин бўлганини ҳеч ким унутмайди. Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлгани, яна қанча қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқолгани ҳисобга олинмаган бўлса, бу ғалаба халқимиз учун нақадар қимматга тушгани аққол аён бўлади.

Халқимизнинг уруш йилларидаги чинакам матонат ва жасорати бутун инсоният учун ибратдир. Ўзбек халқи жанг майдонларидан юртимизга эвақуция қилинган бир миллионга яқин кишига ўз уйдан жой берди. Улар орасидаги 200 минг бола- ни юзлаб ўзбек оилалари "Сен етим эмассан", деб ўз паноҳига олган, охири бир бурда нонини улар билан баҳам қўрган. Тошкентлик Шомаҳмудовлар оиласи 14 нафар, каттақўрғонлик Самадовлар оиласи 12, бухоролик Жўраев ва Ашурқўжаевлар оиласи 8 нафардан болани ўз бағрига олган. Бундай мисолларни яна қўлаб келтириш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги майдонига тошкентлик темирчи Шомаҳмудовлар оиласи хотира- сига ҳурмат сифатида барпо этилган ҳайкал қайта ўрнатилгани бу бағрикенгликнинг яна бир намуна- сидир.

Давлатимиз раҳбари айни вақтда Тошкент шаҳ- рига Ғалаба боғини барпо этиш бўйича лойиҳа- қурилиш ишлари бошлаб юборилганини қайд этди.

Албатта, бу боғ ва унинг таркибида бунёд этила- диган Шон-шухрат музейини меъморий жиҳатдан энг гўзал ва мукамал лойиҳалар асосида яратамиз. Бу муҳташам ёдгорлик мажмуасининг ички маъ- но-мазмунини, музей экспозициясини шаклланти- ришда биз муҳтарам фахрийларимиз, тарихчи олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз, кенг жамо- атчилигининг фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсия- ларига таянамиз, деди Президент.

— 1943 йил урушга кетдим, — дейди Сирдарё



тумани Деҳқонобод маҳалласида яшовчи Холқўзи ота Тошқўзиёв. — Ғалабадан сўнг узоқ йиллар ку- тубхоначи бўлиб ишладим. Турмуш ўртоғим Мукар- рамхон билан ўн фарзандни улғайтирдик. Олтмиш- дан ортиқ неварачеварамиз бор. У даврларни эс- лаш биз учун азоб. Ғалабага ҳисса қўшган ўнлаб қуролдош дўстларимиз хоки бегона юртларда қолиб кетди. Илоҳим у қунар қайтиб келмасин.

Саҳнада ва улкан мониторда Иккинчи жаҳон уру- ши йилларидаги ҳаёт акс эттирилган лавҳалар на- моён бўлади.

... "Хотира мангу" композицияси намойиш эти- лади.

Машҳур суҳандон Юрий Левитаниннинг уруш бош- лангани тўғрисидаги эълонни ўқиган овози янграй- ди. Йигитлар Ватан ҳуמושисига отланади. Монитор- да Иккинчи жаҳон уруши воқеалари тасвири акс этади.

— Ўзбекистонда Хотира ва Қадрлаш куни ни- шонланаётгани замирида жуда катта маъно-маз- мун бор, — дейди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Факуллода ва мухтор элчиси Цзян Янь хоним. — Иккинчи жаҳон уруши тугага- нига анча бўлди, лекин ундан чиқариладиган сабоқ, хулосалар ҳали ўз долзарблигини йўқот- гани йўқ. Бу эса ғалабанинг қадр-қиммати яна- да оширади. Ўзбек халқи ана шу улкан ғалабага муносиб ҳисса қўшгани билан фахрланади. Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида фашизм- га қарши курашда ҳалок бўлган ўзбекистонлик- ларнинг хотирасини ёд этиш, уларнинг руҳи по- кларига ҳурмат баҳо келтириш зарурлигини таъ- кидлади. Дарҳақиқат, хотира бугунги авлодни тин- чликни қадрлашга ўргатади. Президентининг, шун- ингдек, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлат- лари ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиги бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришини қайд этди. Биз бу муносабатларни гоят қадрлаймиз.



Ўзаро ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам изчил та- раққий этакверисига ишонамиз.

Байрам дастурида атоқли шоир ва санъаткорла- римизнинг шеър ва Қўшиқларига кенг ўрин берил- гани Хотира ва Қадрлаш куни мазмун-моҳиятига мос тушган. Фафур Фулом қаламига мансуб "Сен етим эмассан" шеърининг муаллифдан ёзиб олинган пар- чалари эшиттирилганда, қалблар ларзага келди.

Алишер Навоийнинг "Мубтало бўлдим санга", Му- қимийнинг "Айрилмасин" ғазаллари, Камтарнинг "Аскар мактуби", Хайридин Салоҳнинг "Мени эс- лагил", Исроил Ваҳобовнинг "Ўзбекистоним", Булат Ақуджаванин "Нам нужна одна победа", Яков Галицкийнинг "Синий платочек" каби шеърларига бастанган қўшиқлар янгради.

Концерт ҳарбий оркестр ва таниқли хонандалар иштирокида давом этди.

...Уруш тугаб, ғалабага эришилгани ҳақида Юрий Левитан эълон қилади.

74 йил олдинги бу қувонч, сурур яна бир бор тадбир иштирокчиларини ҳаяжонга солди.

— Биз бахтли авлодмиз — шундай тинч-осойишта мамлакатда яшаймиз, — дейди Исроил Каримов но- мидаги Тошкент давлат техника университети та- лабаси Гулрух Пардаева. — Бунда бобо-бувалари- мизнинг, барча нурунийларимизнинг ҳиссаси бе- қиёс. Президентимиз таъкидлаганидек, уларга ғам- хўрлик қилиш, умрларини узайтириш учун барча шароитларни яратиш ҳаммамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Уруш йилларининг аянчли хотиралари, бугунги тинч-осойишта ҳаёт қадри акс эттирилган бадиий дастур қатнашчиларда унутилмас таассурот қолдир- ди.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимиз- нинг барча ҳудудларида кенг нишонланмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, ЎЗА муҳбири

"ҲУМО" МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИ ИШГА ТУШАДИ

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ва туристларга қулай шарт- шароитлар яратиш мақсадида "Асака" акциядорлик тижорат банки биринчилардан "MasterCard", "UnionPay" ва "UzCard" тўлов тизимларининг қарталарини банкотат ёки терминалда хизмат кўрсатиш амалиётини жорий қилган эди.

Ушбу молия муассасасидан яна бир янгилик: энди ушбу банкотат- лар жорий йилнинг май ойидан бошлаб "Ҳумо" миллий тўлов ти- зимининг қарталарига хизмат кўрсата бошлайди.

Президентимизнинг 2018 йил 19 сентябрдаги "Миллий тўлов ти- зимини ривожлантириш чора-тад- бирлари тўғрисида"ги қарори иж- росига асосан "Асака" банк томи- нидан Тошкент шаҳар ҳудудида жами 1 минг 550 дона "Ҳумо" мил- лий тўлов тизимига мансуб тўлов терминали ўрнатилди. Айни кунда "Ҳумо" миллий тўлов тизими вило- ятларда ҳам татбиқ этилмоқда.

Миллий матбуот марказида пла- стик қарточкалар орқали ҳисоб-ки- тобларни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган анжу- манда шу ҳақда сўз юритилди.

"Асака" акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси ўринбо- сари Б.Абдуллаев ва бошқалар

мамлакатимизда банклар томони- дан кўрсатилаётган хизмат турла- ри аҳоли ва миқозларга кенг қулайликлар яратаётгани, ҳозирги кунда пластик қарталар одамлар- нинг асосий тўлов воситасига ай- ланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Таъкидланганидек, юртимизда пластик қарталар орқали нақд пул- сиз тўловларни ривожлантириш йўлида "Асака" банк ҳам салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бугун- ги кунда республикамизнинг бар- ча вилоятларида "Асака" банкнинг 27 филиали, 16 та туну қун иш- лайдиган 24/7 шохбосчаси, 70 бан- комат ва 98 инфокиоскаси миқоз- лар хизматига.

— "Асака" банк томонидан му- малага чиқарилган пластик қарта- лар сони 1,8 миллион донани таш- қил этса, ўрнатилган терминаллар сони 11 мингдан ошган, — деди мазкур банкнинг қарточкалар биз-

несини ривожлантириш департа- менти директори Б.Абдурахмонов. — Миқозларга қулайлик яратиш ва масофавий хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида молия му- ассасамиз яна "Asaka mobile" мо- биль бораётганини алоҳида қайд этди. Ушбу илова орқали қартадан картага пул ўтказиш, онлайн омонат очиш, онлайн конверсия амалиё- тини ўтказиш, кредитларни сўнди- риш, коммунал, бюджет, солиқ, интернет ва бошқа хизматлар бўй- ча тўловларни ўтказиш имконияти мавжуд. "Asaka mobile" мобиль илова орқали "оилавий қарталар" ни бошқариш янги хизмат тури ама- лиётга татбиқ этилди. Бу хизмат тури орқали миқозлар оила аъзо- ларига қўшимча қарталар олиши ва ўз ҳисоб рақамидан ўзи белгила- ган лимит доирасида амалиётлар бажариши мумкин.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎЗА муҳбири

Ёнғин хавфсизлиги институтини "Ўзбекистон Республикасида ёнғинга қарши суғурта институтини ўрнатish муаммолари" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

СУҒУРТАЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Унда мутасадди вазирлик ва идо- ралар, суғурта компанияларининг масъул ходимлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари хо- димлари ҳамда профессор-ўқитув- чилар иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад жисмоний ва юри- дик шахсларнинг мол-мулкнинг ёнғиндан асраш, содир этилган ёнғинлар оқибатида етказилган зар- рини қоплаш соҳасига суғурталаш тизимини жорий этиш бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда ривожланган хорижий мамлакат- ларнинг илғор тажрибасининг таҳ- лили асосида илмий асосланган тақлиф ва тавсияларни ишлаб чи- қишга қаратилди.

Тадбирни институт бошлиғи, юридик фанлари доктори, профес- сор Н.Нарматов очиб, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабр- да Олий Мажлисга йўллаган Му- рожаатномасида халқимиз хавфсиз- лигини таъминлашни янги бошқич- га кўтариш зарурлиги муҳим йўна- лишлардан бири сифатида белги- лаб берилганини, бу борада шид- дат билан ривожланиб бораётган ижтимоий давр талаблари ҳаётий фаолият хавфсизлиги масалалари- ни мунтазам ўрганиб бориш, хавф- сизликни ҳам технологик нуқтаи назардан, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш механизмларини тако- миллаштириб боришни тақозо эта- ётганини таъкидлади.

XXI асрга келиб ишлаб чиқариш жараёнларининг юксак тараққий этган технологиялар билан таъмин- ланиши, табиий ривожланиш ҳамда технологик юксалиш иш- ларида айрим салбий ҳолатлар- нинг пайдо бўлаётганини, улар- нинг мураккаблашуви натижаси- да аҳолининг саломатлиги, эко- логия ва иқтисодийнинг барқар- ор ривожланишига таҳдид сола- ётган бир пайтда хавфсиз, барқ- арор ҳаётни таъминлаш масала- лари ҳам долзарб вазифага ай- ланиб бормоқда.

Анжуманда айни пайтда жаҳон миқёсида юридик ва жисмоний шахсларнинг ижтимоий-иқтисо- дий манфаатларини ҳимоялаш, барқарорлик ва таваққалчиликни ҳавфдан муҳофиза қилиш соҳала- рига суғуртанинг ролини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият бе- риладигани таъкидланди.

Зеро, миллий иқтисодиёт тобо- ра ривожланиб бораётган экан, ҳаётий

фаолият хавфсизлигини, шу жум- ладан ёнғин хавфсизлигини таъ- минлаш масаласининг долзарбли- ги ҳам ўсиб бораверади. Бу эса содир этилган ёнғин оқибатида жабрланганларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарар- ни қоплашда ёнғинга қарши су- гурталанишнинг самарали тизимини яратиш ҳаётий фаолият хавфсиз- лигини таъминлашнинг муҳим эҳтиёжига айланаётганини таъкид- ланиши кўрсатади.

Анжуманда Ўзбекистон Респуб- ликаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Молия вазирлиги Суғур- та назорати давлат инспекцияси, Ёнғин хавфсизлиги бош бошқар- маси ҳамда суғурта компаниялари масъул ходимлари, ушбу соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган олий таълим муассаса- лари профессор-ўқитувчиларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Тадбирда хорижий давлатлар- нинг тажрибасидан келиб чиқиб, ёнғин, табиий ва техноген тавсиф- даги факуллода вазиятлар нати- жасида учинчи шахсларга етказил- ган зарарни қоплашда фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғур- таланиш тартибга солуви норма- тив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, миллий, маданий ва тари- хий ёдгорликларни ёнғин, табиий ва техноген ҳодисалардан суғурта қилиш механизмларини белгилаш, кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизма- ти аъзоларининг соғлиғи ва ҳаёти- ни мажбурий суғурталаш тизими- ни жорий этиш бўйича тақлифлар билдирилди.

Шу билан бирга Ёнғин хавфсиз- лиги институти мутахассислари то- монидан ишлаб чиқилган "Ёнғин, табиий ва техноген ҳодисалардан мажбурий суғурталаш тўғрисида" - ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, анжуман тавсиялари ҳамда уларни тегишли тармоқ ва соҳа- ларга татбиқ этиш бўйича чора-тад- бирлар Дастури лойиҳалари муҳо- кама этилди, уларни такомиллаш- тириш бўйича тавсиялар берилиб мутасадди вазирлик ва идоралар- га тақдим этилди.

Тадбирда тўплам шаклида чоп этилган анжуман материаллари тар- қатилди, иштирокчилар томонидан яратилган ихтиролар намойиши ўтказилди. Шунингдек, бадиий ва махсус адабиётлар ярмаркаси ҳам ташкил этилди.

Зарина РУСТАМОВА

XXI аср саҳоси Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни тадбирлари доирасида бир гуруҳ меҳ- нат фахрийларига Ўзбекистон Республика- сининг "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишон- топирилди. "Нуроний" жамғармаси вило- ят бўлими кенгашининг маросимлар зали- да вилоят давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ташкил этилган тад- бирда фахрийларни қўлаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлан- ди.

● Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги муносабати билан Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани маркази Учтепа шаҳарчасида ўтказилган тадбир- да уруш ва меҳнат фахрийлари, туман жа- моатчилиги вакиллари иштирок этди. Тад- бир доирасида Иккинчи жаҳон урушида қур- бон бўлганлар хотирасига бағишлаб бунёд этилган Хотира хиёбони ва Мотамсаро она ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● Андижон вилояти ҳокими "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури ижросининг бориши, мазкур йўналишдаги ишлар кўламини яна- да кенгайтириш борасидаги ишлар бўйича аҳоли вакиллари билан мулоқот ўтказди. Ан- дижон шаҳридаги Алишер Навоий номида- ги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбирда ҳар бир оила ўз имкониятидан ке- либ чиқиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, бу борадаги ишларни самар- рали ташкил этиш, энг асосийси, натижа- дорликка эришишга алоҳида эътибор қари- таши зарурлиги таъкидланди.

ЖАҲОНДА

● Руминиянинг Сибиу шаҳрида кеча Ев- ропанинг 27 та давлатлари раҳбарлари ҳамда 36 та расмий делегация вакиллари иштирокида Европа Иттифоқининг навбат- даги саммити бўлиб ўтди. Унда кейинги беш йил давомида Европа Иттифоқига аъзо дав- латларни ривожлантириш стратегияси му- хокама қилинди.

● АҚШнинг принципиал йўл тутишига қарамай Хитой Эрон ва Венесуэладан нефть импортини амалга оширишда давом этмоқ- да.

СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ СОҲАСИ ТАРТИБГА СОЛИНМОҚДА

Миллий матбуот марказида "Ўзстандарт" агентлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти фаолияти юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Соҳада амалга оширилаётган ишлар, департамент фаолияти бўйича атоқли маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги "Техник жиҳатдан тартибга солиш, стан- дартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ янги ташкил этилган департаментга бир қатор вазифалар юклатилган эди. Жумладан, мазкур ташкилот техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунбузилишларнинг олди- ни олиш ва профилактика ишларини амалга ошира- ди. Шунингдек, техник регламентлар, стандартлаш- тириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши, ўлчов бирликлари ягоналиги ва ишончили- гини таъминлаш, мажбурий сертификатлаштириш қоидалари талаблари бажарилиши устидан давлат на- зоратини ташкил қилади.

Мутахассислар департаментнинг техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларига риоя этиши,

ўлчов бирликлари ягоналигини таъминлаш, озиқ-овқат сифати ва сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш борасида амалга оширила- ётган ишлар ҳақида маълумот берди.

— Текширувларга мувофиқ, 2018 йилда қиймати 82,87 миллиард сўм миқдоридagi импорт махсулот- ларининг амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бермагани аниқланганди, — дейди департа- мент директори Маруфжон Жалилов. — Шундан 5 миллиард сўмга тенг қийматдаги озиқ-овқат мах- сулотлари бўлиб, улар асосан Қозғоғистон, Грузия, Покистон, Туркия ва Россия давлатларидан келти- рилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида худудий сертификатлаштириш идоралари томонидан кўк нўхот ва консерваланган балик махсулотлари амалдаги та- лабларга жавоб бермаганини аниқланди. Бу махсу- лотларнинг қиймати 513 миллион сўмни ташкил этиб, улар Қозғоғистон ва Хитой давлатларидан кел- тирилган.

М.ТОШҚОРАЕВА

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

Халқимизда азалдан ўтганларни ёд этиш, Ватан, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида ўзини фидо қилган инсонларни ёрқин хотиралар билан эсга олиш, борларини эса қадрлаш, ҳурмат ва эътибор кўрсатишдек эзгу фазилят бор.

ҚАҲРАМОНЛИК, БУРЧ ВА ФИДОЙИЛИК

Хотира ва Қадрлаш куни ара-фасида юртимизнинг барча жойларида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат fronti фахрийларига чекиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, совғалар билан ҳолидан хабар олинмоқда.

“Ватанпарвар” ташкилоти “Бектемир Ҳукумат” унитар корхонасининг раҳбарияти томонидан Бектемир туманида истиқомат қилувчи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Сайдали Матисаков ва Абдувахоб Мадусмоновларнинг хонадонларига ташриф буюриб, фахрий ёрлиқ ва совғалар топширишди ҳамда уларни байрам билан табриклашди.

— Ҳаётини Ватан озодлиги учун қурбон қилган юртошларимизга қўрсатилаётган эҳтиром — истиқлол даврига келиб шукроналик, фахрланиш ва миннатдорчилик рамзига айланди, десам муболага эмас, — дейди “Ватанпарвар” ташкилоти “Бектемир Ҳукумат” ташкилоти клуби” УК раҳбари Мухторжон Халиқназаров. — Шу боис ҳозирда ушбу муҳим сана ҳар бир оила учун қадри бўлган байрам ҳисобланади. Чунки, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз учун жон берган, бу йўлда жасорат кўрсатган аجدодларимиз хотирасини ёд этиш, руҳларини шод қилиш муқаддас бурчимиздир. Қолаверса шундай жаннатмакон, осуда юрда яшаш ҳар биримизнинг толемизига битилган бахтдир.

— Ҳаётини Ватан озодлиги учун қурбон қилган юртошларимизга қўрсатилаётган эҳтиром — истиқлол даврига келиб шукроналик, фахрланиш ва миннатдорчилик рамзига айланди, десам муболага эмас, — дейди “Ватанпарвар” ташкилоти “Бектемир Ҳукумат” ташкилоти клуби” УК раҳбари Мухторжон Халиқназаров. — Шу боис ҳозирда ушбу муҳим сана ҳар бир оила учун қадри бўлган байрам ҳисобланади. Чунки, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз учун жон берган, бу йўлда жасорат кўрсатган аجدодларимиз хотирасини ёд этиш, руҳларини шод қилиш муқаддас бурчимиздир. Қолаверса шундай жаннатмакон, осуда юрда яшаш ҳар биримизнинг толемизига битилган бахтдир.

Иккинчи жаҳон уруши бутун дунё халқлари хотирасида ўзининг жоғиавий изини қолдирган тарихий воқеалардан биридир. Ўзбекистоннинг уруш йилларидаги тарихини ҳолисона ва адолат нуқтаи назардан ўрганиш тарихий хотира учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Фронт ва фронт ортида миллионлаб ҳарбийлар қаторида урушда муҳим вазифалардан бирини амалга оширган шифокорлар ҳам Ватан ва ёрқин келажак учун фидокорона меҳнат қилишган.

Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивида 1919 йилдан буёнги тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар сақланмоқда. Жумладан, Иккинчи жаҳон уруши даврига оид бўлган кўплаб ноёб тарихий ҳужжатлар бор. Айниқса, уруш йилларида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ишлар ҳақида кўпдан-кўп маълумотларни олиш мумкин.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тармоғи моддий-техника базасини мустаҳкамлаш давлатнинг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Чунки эвакуация қилинган ва янгидан ташкил этилган ҳарбий госпиталларни бинолар, керакли тиббий асбоб-ускуналар ва кадрлар билан таъминлаш, тиббиёт соҳасига фаннинг янги ютуқларини жорий этиш учун катта маблағ талаб қилинди. 1941 йил республика соғлиқни сақлаш тизимига 330556 минг рубль сарфланган бўлиб, асосий маблағлар даволаш ишлари, кадрлар тайёрлашга, соҳа фанини ривожлантириш учун ажратилди.

1944 йилга келиб соҳа учун ажратилган умумий маблағ 482653 минг рублни ташкил қилди. Уруш йиллари қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат ишчи ташкил этиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилди. Бу даврда Ўзбекистонда қишлоқ врачлик участкалари 9,1 мартага, улардаги даволаш ўринлари 9,4 мартага кўпайди. Республика қишлоқ даволаш муассасалари 1941 йили 200 та бўлса, 1945 йилга келиб 296 тага етди. Улардаги даволаш ўринлари сони 6134 тага ортди. Қишлоқларда асосий тиббий маскан ҳисобланмиш фельдшер-акушерлик пунктлари сони шу йилларга таваққулли равишда 928 тадан 1158 тага кўпайди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда даволаш муассасалари, ўринлар ва тиббиёт ходимлари эвакуация қилинганлар ҳисобига ортиб борди. 1941 йили Ўзбекистонда 368 та касалхона ва 19498 даволаш ўринлари мавжуд бўлган бўлса, 1945 йилга келиб шифокорлар 481 та, даволаш ўринлари 24848 тага, врачлар эса 2561 тадан 2984 тага ортди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш органлари зиммасига юкланган мураккаб вазифалардан бири бу эвакуация қилинган госпиталлар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг иш жараёнларини ташкил этиб, ярадор ва беморларни даволаш ишларини олиб бориш эди. Госпиталлар учун мактаб ва институт, клуб ва театр бинолари бўшатиб берилди. 1941 йилнинг декабрида республикада 96 та эвакуация қилинган госпиталлар бўлиб, уларда 31700 даволаш ўрни мавжуд эди. 1942 йилнинг охирига келиб Ўзбекистонда 113 та ҳарбий

да эканлигимиздан бошимиз осмонда. Бизни эъзозлаётган барча инсонларга ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

Шунингдек, Тошкент шаҳри Миробод туманидан Валентин Лазерев, Анна Топчий, Александр Москалёв, Минскбир Шакиров, Пелагея Дасова, Елизавета Ганиева, Галина Прокофьеваларнинг хонадонларига ҳам ташриф буюриб, Хотира ва Қадрлаш байрами билан табриқлаб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини кўнгиллари шод этилди. Байрам муносабати билан “Ватанпарвар” ташкилоти “Бектемир ҲУСТК” УК томонидан маиший ашёлар топширилди.

Халқимиз асрлар оша Ватан учун, юрт тинчлиги, бугунги ва эртанги авлоднинг келажаги учун қонли урушларда жафо чекиб, жасурлик ва қаҳрамонлик кўрсатиб келган. Бу кун бизга насиб этган мустақиллик, тинчлик, осойишталик ва фаровон ҳаётнинг замирида ҳам ана шу жасорат ва қаҳрамонликлар муржасам.

Иккинчи жаҳон урушида кўпмиллатли Ўзбекистон халқи жинг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди.

Хотира ва Қадрлаш кунинда қарияларни қадрлаш, кексаларни эъзозлаш, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг аниъанасига айланган.

Истиқлол йилларида 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини чинакам умумхалқ байрамига айланган. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ва фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 74 йиллигини нишонлашни муносабати билан қарияларни қадрлаш, кексаларни эъзозлаш, уруш ва меҳнат фахрийларига

ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти “Миробод ҲУСТК” унитар корхонаси томонидан тумандаги барча Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳолидан хабар олиниб, байрам билан муборакбод этилди. Совға ва табриқномалар топширилди.

Ана шундай фахрийлардан бири Шароф Рашидов маҳалласида истиқомат қилувчи 1923 йил 9 майда туғилган Калининград шаҳрида хизмат қилган Мадамин Раджабовдир.

— Биз, фахрийлар тинчлик ва осойишталикнинг қадрини кўпроқ ва чуқурроқ англаймиз, — дейди Мадамин Раджабов. — Чунки фронтларда жон олиб, жон беришимизга тўғри келган. Мана, ўша машаққатли йиллар ортда қолди. Бугун эл-юрт, яқинлар ардоғида фаровон ҳаёт кечиряпмиз. Айниқса, Президентимиз томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига қўрсатилаётган юксак эътибордан кўнгиллари тоғдек кўтарилди.

Юқоридагидек дил сўзлар бугун барча ҳудудларимиздаги фахрийлар, кекса онахон ва ота-хонларимиз тилидан баралла янграётгани бежиз эмас. Нега деганда, уларга юксак гамхўрлик кўрсатилиб, ҳар қандай масалада улар хоҳиш-истаклари инобатга олинмоқда. Таъкидлаш лозимки, фахрийларимиз урушдан қайтган, узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилишди. Ҳозирги кунда эса улар Президентимиз, ҳукуматимиз ва халқимиз ардоғида ҳаёт кечирмоқдалар.

Фахрийларимиз бугунги тинч кунларнинг қадрига етишни, юртбошимиз томонидан ёшларимизга яратиб берилаётган кенг имконияتلардан оқилона фойдаланишни бу тинч кунларга осонлик билан эришилган эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Зиёда РАСУЛОВА



ХОТИРА – МУҚАДДАС, ҚАДР – АЗИЗ

Давлат божхона хизмати органларида шаклланган хайрли аниъанани мувофиқ Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан бир гуруҳ божхоначилар тизимда узоқ йиллар хизмат қилиб, элу юрт равнақиға ҳисса қўшган қатор божхона фахрийлари ҳолидан хабар олишди.

Шу кун божхоначилар билан бирга фахрийлар хонадонларига қувонч ва байрамона кайфият ҳам кириб борди дейиш мумкин. Айниқса, шоғирдлар устозларининг кўксига шараф ленталарини тақишар экан, жамиятимиздан 7 ёшдан 70 ёшгача барчанинг бирдамлигини ифодалашди.

Фахрийларга Давлат божхона кўмитаси раҳбариятининг байрам табриги ўқиб эшиттирилиб, эсдалик совғалари тақдим қилинди. Улар билан бўлиб ўтган суҳбатлар эса ҳам маънан, ҳам тарбиявий жиҳатдан улкан аҳамият касб этди. Шу тарихи устозлар ўғити ва тажрибасига яна бир қарра қулоқ тутиш имкони туғилади.

Уларига қўрсатилаётган эътибор ва эҳтиромдан боши кўкка етган фахрийларга боқиб, 9 май санасининг эзгу гоёси беихтиёр дилимиздан тилимизга кўчади: хотира – муқаддас, қадр – азиздир.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Яшнобод туман Кенгаши томонидан “Мардлик, бурч ва садоқат” лойиҳаси доирасида тадбир ўтказилди.

Унда Яшнобод туманида жойлашган умумтаълим мактаб ўқувчилари, Ички ишлар қўшмадари ҳарбий қисм хизматчилари, Иккинчи жаҳон уруши, меҳнат fronti қатнашчилари ва нафақадаги собиқ ҳарбий хизматчилар иштирок этишди.

Тадбир давомида генерал-майор Баҳодир Мирзараҳимов ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Яшнобод туман Кенгаши раиси Фаруҳ Маҳмуджўаевлар сўзга чиқиб, уруш ва меҳнат fronti қатнашчиларини байрам билан табриқлашди.

Кўргазмали чиқишлар ва ҳарбий қурол аслаҳа кўргазмалари ташкил этилди. Мактаб ўқувчилари ва ҳарбий хизматчилар, уруш ва меҳнат fronti қатнашчиларини байрам билан табриқлашди. Кўтаринки кайфиятда ўтган тадбир барчага манзур бўлди.

(Ўз муҳбиримиз)

Возовиков, С.Ориповлар уруш йиллари халқ соғлиғини сақлаш, уруш ярадорларига ёрдам беришда фидокорона меҳнат қилди.

Ўзбекистон врачлари фронтдаги ҳарбий қисмларнинг санитария қисмларида қаҳрамонона меҳнат қилди. Сталинград остоналаридаги жангларда ҳарбий врач З.Ҳўжаев 39 та, умуман 1943 йилнинг 19 сентябридан 1944 йилнинг 1 январига қадар 647 та тиббий операцияни муваффақиятли амалга оширди.

М.Ашрапова маршал А.Гречко кўмондонлигидаги 1-гвардиячи армиянинг 155-ўқчи дивизиясидаги 786-полкда ҳарбий врач сифатида фаолият олиб борди. Кейинчалик Курск яқинидаги ҳарбий госпиталда жароҳ бўлиб ишлаб, 200 дан ортиқ операцияларни муваффақиятли бажарди. У қўрсатган хизматлари учун “Қизил Юлдуз” ордени билан мукофотланди.

Икром Зиёевнинг мутахассислиги жарроҳ бўлиб, 1941 йил номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилганидан сўнг, ҳаракатдаги Калинин frontiга юборилди. У фронтда ярадорларга жарроҳлик ёрдами кўрсатиб, кунига ўнлаб мураккаб операцияларни амалга оширди. И.Зиёев жанг пайтида ҳалок бўлди ва уни Новгород вилоятининг Старорусский тумани Михалково қишлоғига дафн этишди. У вафотидан сўнг “Қизил байроқ” ордени билан тақдирланди ва Андижон тиббиёт билим юртига унинг номи берилди.

Усмон Мираҳмедов 1940 йил Тошкент тиббиёт институтини даволаш факультетини тамомлаб, 1941 йилдан бошлаб Белоруссиянинг жанубий-ғарбий жангларига, Киев ва Москва ҳарбий округларида ўқичлар батальонинда, отлик аскарлар дивизиясида, танк қисмларида шифокор бўлиб хизмат қилган. У кўп марта ярадор бўлган. Икки бор контузияга учраган. Лекин у бутун кўчини фашистларга қарши курашга, жангчиларни даволашга сарфлаган. Душманини қувиб Берлингача борган. Ғалабадан сўнг яна бир йил хизматни давом эттирган.

Усмон Мираҳмедов иккита орден ва 13 та медал билан тақдирланган.

Мухтасар қилиб айтганда, Иккинчи жаҳон уруши йилларида соғлиқни сақлаш соҳаси фаолияти ҳам фронт эҳтиёжлари томон йўналтирилиб, унинг зиммасига гарбдан эвакуация қилинган ҳарбий госпиталларни жойлаштириш, эпидемияларнинг олдини олиш, санитария-профилактика ишларини жонлантириш, даволаш муассасалари ишини йўлга қўйиш каби мураккаб вазифаларни юклаган, бу эса тиббий ходимлар ишини янада оғирлаштирган. Эътиборли томони шундаки, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўзбекистонлик тиббиёт ходимлари ҳам Ватан ҳимояси ишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб, қўрсатган жасорати ва фидокорона меҳнати эвазига орден ва медаллар билан тақдирлангани ватанпарварликнинг яққол намунаси сифатида ноён бўлди.

Мақола архивда сақланаётган тарихий ҳужжатларга асосланиб тайёрланган.

Саодат КУЧКАРЕВА, Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви катта илмий ходими

Таълим

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда чет тилларни ўқитиш ҳамда амалий тилшунослик соҳасининг долзарб масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Унда чет тилларни ўқитиш ва амалий тилшуносликнинг долзарблиги, таржима муаммолари, кўптилликнинг муҳим омили ва бу борда ечимини қутаётган масалалар таҳлилга асосий эътибор қаратилди.

Анжуманинг биринчи кунини И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент филиалида бошланди. Унда Корея Республикасининг халқаро тадқиқотлар университети, Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳри филиали ва пойтахтимиздаги “ERILL Prof Education” ўқув маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳаллий ва хорижий олимлар, ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Анжуманда Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳри филиали ижрочи директори Абдулла Магруппов, “Буюк келажак” халқаро нодавлат ташкилоти Экспертлар кенгаши ижрочи директори Зухра Азимова ва бошқалар маънавиятда барча соҳалар қатори илим, фан, таълим соҳасида ҳам кенг қўламли ишлохотлар олиб борилаётганини, шунинг баробарида чет мамлакатлар билан ҳам халқаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб яхши самара бераётганини таъкидлади.

Анжуманда 35 мамлакатдан 300 дан ортиқ тил, маданиятлараро таълим ва тилшунослик соҳаси мутахассислари иштирок этди. Улар ўн олти йўналишда ўз тажрибаларини ўртоқлашди.

2018-2019 ЙИЛЛАРДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ

Миллий матбуот марказида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжумани “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, таълим муассасаларининг педагог ва раҳбар кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштиришга илғор хорижий технологияларни кенг жалб қилиш: тажриба ва амалиёт” деб номланди.

Анжуманда 2018-2019 ўқув йилида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдували Холиков икки йил ичида амалга оширилган ишлар ҳусусида маълумот берар экан қуйидагиларни таъкидлаб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида бир қанча дастуруламал ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2018-2019 йиллар давомида 16 та умумтаълим муассасасида 10 та хорижий давлатларнинг етакчи ОТМлари билан ҳамкорликда 33 та таълим йўналиши ва 14 та мутахассислик бўйича қўшма таълим дастури асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Худудларда мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қоплаш мақсадида Тошкент вилоятида Чирчик давлат педагогика университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, “Ипак йўли” туризм халқаро университети ҳамда таянч ОТМларнинг 8 та филиали ташкил этилганлиги таълим йўналишининг босқичма-босқич улкан ишлохотларни қамраб олаётганидан далolat беради.

Шунингдек, халқаро стандартлар даражасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида 11 та хорижий олий таълим муассасаси ва филиали ташкил этилди.

Бинобарин, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги ва педагогика соҳалари бўйича кадрларга эҳтиёж катта бўлган ҳудудлар учун давлат грантлари асосида мақсадли қабул бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Илк бор абитуриентлардан алоҳида иқтидор талаб этадиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий санъат ва амалий санъат, санъатшунослик, мусиқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул кириш тест синовларисиз, иқодий имтиҳонлар орқали амалга оширилди.

Бундай енгилликлар нафақат абитуриентлар, балки уларнинг ота-оналари ва яқинларига бирдай манзур бўлди.

Анжуманда журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоблар қайтарилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, 11-мавзё, 7-уй, 100-хонадон эгаси Маджидова Мунира Сунатовна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент иқтисодийёт коллежи томонидан 2016 йилда Қодиров Шаҳобиддин Хусниддин ўғли номига берилган К № 4467849 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ҳ.Байқаро кўчаси, 25-уйда жойлашган АТ “Халқ банк”и Бектемир филиали (СТПР 202045300) 24/7 электрон кўчма офисларни қуриб бериш бўйича **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 9а-уй.

Ишларни бажариш қиймати фоиз ҳисобидан ва аниқ муддатлари кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 2019 йил 16 майгача қабул қилинади.

“ХУҚУҚ БИЛИМДОНИ” ВИКТОРИНАСИ ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

Тошкент шаҳар Ёшлар марказида Олмазор тумани 1-сонли ИИБ ҳудудида жойлашган олий таълим муассасалари ўртасида “Хуқуқ билимдони” викторинаси ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлик шаҳарчаси ҳокимлиги ва Олмазор туман 1-сонли ИИБ билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг негизиде ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш асосий вазифалардан бири бўлиб турибди десак, ҳеч ҳам хато қилмаган бўламиз.

Викторинада Ўзбекистон Миллий университети, Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Тошкент тиббиёт академияси талабалари жамоалари иштирок этиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ва бугунги кунда давлат бошқаруви соҳасида олиб борилаётган ислохотлар бўйича

ўз билимларини намойиш қилишди.

Бундан ташқари, жамоалар жамиятимиздаги иллатлар, яъни “одам савдоси”, “коррупция”, “фирибгарлик”, “ўғрилиқ”ка қарши кураш бўйича ҳамда “Гижандлик – аср вабоси”, “Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш” мавзуларида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган оммавий намойишга мўлжалланган видеоролик ва плакатлар тақдимотини ўтказишди.

Ҳакамлар берган баҳолар бўйича “Хуқуқ билимдони” викторинаси ғолиблигини Тошкент давлат техника университети талабалари қўлга киритдилар. Иккинчи ўринни Тошкент тиббиёт академияси талабалари ва учинчи ўринни Ўзбекистон Миллий университети талабалари эгалладилар.

Викторина якунида ўз чиқишлари ва намойишлари билан фахрли ўринларни эгаллаган жамоалар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Азизбек ИКРОМОВ

Футбол янгиликлари

ОЛТИНЧИ ТУР НАТИЖАЛАРИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган жорий йилги мамлакат биринчилигининг 6-тур беллашувлари анча шиддатли, муросасиз кечди.

Ушбу турда сафарда “Бухоро” жамоасига қарши майдонга тушган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги “Бунёдкор” командаси шиддатли, тезкор муросасиз кечган бахсда мезбонларга муносиб қаршилик кўрсатди ва ўйин 2:2 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунига етди. Дарвозаларга голларни “Бухоро”дан – Иван Нагеев, Достон Иброҳимов, “Бунёдкор”дан – Хуршид

Ғиёсов (2та) киритишди. Шунингдек, “Динамо” – “Навбахор” ўйини 2:2, “Сурхон” – “Андижон” беллашуви 0:0 ҳисобида тугади.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунига эришди: “Насаф” – АГМК – 4:0, “Металлург” – “Кўкун – 1912” – 3:1, “Локомотив” – “Кизилкум” – 3:1, “Сўғдиёна” – “Пахтакор” – 1:2.

Ўтказилган 6 та турдан сўнг турнир жадвалини “Пах-

такор” қарвонбоши сифатида бошқараётган бўлса, унда кейинги 2-3-ўринларни “Локомотив” ва “Металлург” эгаллаган. Шу кунгача рақиблари дарвозасини 6 марта аниқ нишонга олган АГМК ҳужумчиси Зафар Полвонов тўпурақлар баҳсида етакчилик қилмоқда. Қизғин жадвалнинг энг қўйи погонасини 4 очко билан Ўзбекистон кубоги соҳиби АГМК эгаллаб турибди.

ҲАКАМЛАРИМИЗГА ЯНА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Кейинги вақтларда ўзбекистонлик ҳакамларга ОФК ҳамда ФИФА томонидан катта ишонч билдиришмоқда.

Натижада ҳамюртларимиз халқаро миқёсдаги муҳим ўйинларни бош ҳакам ёки лайсенс сифатида бошқаришга эришди.

Яқинда бир гуруҳ ҳамюртларимиз ОЧЛ гуруҳ бошқарувида ўрин олган навбатдаги бахсларда ишлаш учун ОФКдан таклиф олишди. Валентин Коваленко ОЧЛ 5-тур доирасидаги Саудия Арабистонининг “Ал-Хилол” ҳамда БААнинг “Ал-Айн” жамоалари баҳсини бош ҳакам сифатида бошқариб борса, унга қанотларда Андрей Цепенко, Темура Гайнуллин ёрдам беришди. Ушбу учрашувда Азиз Асимов тўртинчи ҳакам вазифасини бажаради.

Япониянинг “Кавасаки Фронтале” клуби

ОЧЛ гуруҳ бошқаруви доирасида Одил Аҳмедов тўп сураётган Хитойнинг “Шанхай СИПГ” жамоасини қабул қилади. Ушбу беллашувга Равшан Эрматов бош ҳакам этиб тайинланган. Қанотларда Эрматовга Абдуҳамидуллоҳ Расулов, Жаҳонгир Саидов ёрдам беради. Ўйиннинг тўртинчи ҳаками Шерзод Қосимов.

Таиландда уюштирилаётган “Бурирам Юнайтед” ҳамда Япониянинг “Урава Ред Даймондс” баҳсида Илғиз Тантасhev бош ҳакам сифатида ишласа, унга Хусниддин Шодмонов, Руслан Серазитдинов лайсенс сифатида ёрдам беради.

Акбар Йўлдошев

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚУЙИДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

«Инсон манфаати»

Омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача.

Фоиз ставкаси — йиллик 20%.

«Келажак бунёдкори»

Омонат муддати — 25 ойдан 36 ойгача.

Фоиз ставкаси — йиллик 21%.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Телефонлар: 78-150-93-39, 78-150-72-58.

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида 2019-2020 йилларда иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2019 йилнинг 13 майда иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчиларини чегараламаган ҳолда, иссиқлик тармоқларининг механик чидамлилиги ва пишиқлилиги (юкори босимда) синодан ўтказилади.

Иссиқлик манбасининг амал қилиш зоналари манзилий рўйхати:

5-ИМ (М-4) 13-май – босим билан текшириш (опрессовка) – Чилонзор даҳаси 5/11, 16/20, М мавзелари, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий-1, 2 турар жой даҳалари, Заргарлик, Лутфий, Нурафшон, Гулханий, Қатортол, Гулистон, Муқимий, Богистон, Фарход, Чўпон ота, Самарқанд дарвоза, Сеул, Кичик халқа йўли, Катта хирмонтепа, Ширин, 1-тор Қатортол кўчалари, Оқтепа мавзеси.

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йулларнинг катнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, шу боисдан ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий холларни сезсангиз (71) 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

“Тошкент вилояти Қибрай тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат қорхонаси томонидан Қибрай тумани, Оқ-қовоқ ҚФЙ, Оқ-олтин МФЙ, БУШ, Фан кўчаси, 280-дала ховли учун Қадриева Муҳлиса Махмудовна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Тошкент вилояти Қибрай тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат қорхонаси томонидан Қибрай тумани, Оқ-қовоқ ҚФЙ, Оқ-олтин МФЙ, БУШ, Фан кўчаси, 279-дала ховли учун Азимов Ровшан Фуркатович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Тошкент вилояти Қибрай тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат қорхонаси томонидан Қибрай тумани, Оқ-қовоқ ҚФЙ, Оқ-олтин МФЙ, БУШ, Фан кўчаси, 176-дала ховли учун Хасанов Шухрат Хикматович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Тошкент вилояти Қибрай тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат қорхонаси томонидан Қибрай тумани, Оқ-қовоқ ҚФЙ, Оқ-олтин МФЙ, БУШ, Фан кўчаси, 184-дала ховли учун Мирқасимов Мирбосит Махмудович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Тошкент вилояти Қибрай тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат қорхонаси томонидан Қибрай тумани, Оқ-қовоқ ҚФЙ, Оқ-олтин МФЙ, БУШ, Фан кўчаси, 184-дала ховли учун Мирқасимова Зулфиниса Джурбаевна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Тошкент вилояти Қибрай тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат қорхонаси томонидан Қибрай тумани, Оқ-қовоқ ҚФЙ, Оқ-олтин МФЙ, БУШ, Фан кўчаси, 173-дала ховли учун Шамсиев Толибжон Тахирович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Тошкент вилояти Қибрай тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат қорхонаси томонидан Қибрай тумани, Оқ-қовоқ ҚФЙ, Оқ-олтин МФЙ, БУШ, Фан кўчаси 278-дала ховли учун Мирмаҳмудов Шохруҳ Мирбосит ўғли номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Ота-боболар жасорати — бизга мактаб. * * *

Қаҳрамонга — ўлим йўқ. * * *

Ҳаёт зиддиятларини — жасорат енгади. * * *

Мард — қуролсиз ҳам енга олади. * * *

Қаҳрамон — жасоратнинг фарзанди. * * *

Жасорат — ор-номус курашчиси. * * *

Жасоратга кўрқинч бегона. * * *

Мардлик бошқа, кўрслик бошқа. * * *

Мардлик — ёшлиқнинг ҳамроҳи. * * *

Жасорат — ноҳақликни кўрувчи ҳақиқий диддан пайдо бўлади. * * *

Тўсиқлар — жасоратдан кўрқади. * * *

Жасоратни тарих қуйлаган. * * *

Мардликнинг йўлдоши — иродадир. * * *

Жасоратли — қаҳратонни ҳам, саратонни ҳам ўзига бўйсундиради. * * *

Қийин ишни бажаришнинг гашти бор. * * *

Ғалабага эришиш — бахт чўққиларидан бири. * * *

Мардлар — қимматлидирлар. * * *

Марднинг гурури — чиройли. * * *

Қаҳрамоннинг жасорати — сахнадаги санъатни ҳам безайди. * * *

Жасоратли — ҳаёт билан ўлим орасида ҳам айтганини қилади. * * *

Довжуракка омад ёр. * * *

Орқага қайтиш керак бўлганда ҳам, мардлар ундан оқилана фойдаландилар. * * *

Жасорат — орзу ва умиднинг зафари. * * *

Ёшлиқ ўктам бўлса, қарилик кўркам бўлади. * * *

Мард бўлиш — яхши яшаш демакдир. * * *

Ё ўзинг мард бўл, ё марднинг хизматида бўл! * * *

Жасоратли кишида армон бўлмайди. * * *



Тошкент шаҳрида 11 май кунини ҳаво ўзгартириш туради, ёғингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат ке-

часи — 15-17, кундузи — 32-34 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 11 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz Буюртма Г-546

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2173 нухсада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ